

Наврўз — қадим қадрият,
бой фалсафага эга
бахор айёмидир.

Ҳаётбахш Наврўзни
нафақат ўзбеклар, балки
кўп миллатли диёримизда
биз билан бирга яшаб, бирга
нафас олаётган, миллатлари
турфаю, мақсадлари ягона
бўлган юртдошларимиз
ҳам катта тараддуд билан
қаршилайдилар. Шу боис
ҳар йили Наврўз байрами
юртимизда истиқомат
қилаётган 130 дан зиёд
миллат ва элат вакиллари
билан биргаликда
шодумонликда нишонланади.



ХАЛҚЛАР БИРДАМЛИГИ БАЙРАМИ

Сир эмас, жорий йилги Наврўз дунё бўйлаб ёпирилган COVID-19 пандемиясининг юртимизда ҳам қайд этилган саналарига тўғри келди ва шу бонсдан умумхалқ тантаналари оммавий тарзда нишонланмади. Аммо ушбу синовли дамларда юртдошларимизни кўхна айёмнинг эзгу ғояси — халқлар бирдамлиги ҳамда ҳамжиҳатлиги яқдилликка, ўзаро меҳмурувватга чорлади. Аслида ҳаётнинг моҳияти ҳам шу. Биз қайси миллат, қайси дин вакили бўлишимиздан қатъий назар аҳил-иноқ яшаш билангина олижаноб мақсадларга эришамиз. Шу маънода юртимизда умргузаронлик қилаётган турли миллат вакиллари ҳамжиҳатлиги, айниқса, давлатимиз раҳбарининг диний эркинлик борасида олиб бораётган ишлари дунё ҳамжамиятининг диққат эътиборида турибди. Наврўз тантаналари оммавий нишонланмаган бўлса-да, Президентимиз бошчилигидаги инсонпарвар ислохотлар, диний бағрикенглик тадбирлари бир сония бўлсин тўхтамади.

— Республикада 139 та миллий маданий марказ ҳар йили Наврўз умумхалқ байрамига алоҳида тайёргарлик кўради, — дейди Ўзбекистон рус миллий маданият маркази раиси Сергей Миронов. — Чунки унинг моҳияти бир миллат доираси билан чекланмайди. Наврўз — бутун инсониятни эзгуликка, покликка, ҳамжиҳатлик, яратувчанлик ва меҳрли бўлишга ундайди. Шу боис юртимиздаги миллий маданий марказлар Наврўзни хушнуд қаршилашади. Ҳар бир миллий маданий марказ ўз анъаналари, маросимларини Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат вакилларига яқиндан таништиришга эътибор қаратади. Бадиий жамоалар, ҳаваскорлар ва халқ ардоғидаги санъаткорларнинг концертлари, миллий таомлар, миллий либослар ва ҳунарманд-

лар кўргазмалари намоишлари кишига олам-олам завқ беради. Миллати, тили, дини ва ирқидан қатъи назар ҳар бир кишининг қалбига янглик, қувонч олиб киради. Жорий йилги Наврўз хонадонларда, оилавий давраларда ихчам ва қувноқ тарзда давом этди. Сумалаклар маҳаллаларнинг катта дошқозонларида бўлмас-да, ҳовлиларда, оилавий давраларда қайнади. Муҳими, Наврўз фалсафаси, ишонч ва руҳий бирдамлик халқимизнинг маънавий қиёфасини безаб турибди.

Миллатлар дўстлиги маданият саройи — Наврўзга муносиб тухфа

Яна бир қувончли мужда: Президентимизнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган 5 та муҳим ташаббуси доирасида Юкори Чирчик тумани «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида Миллатлар дўстлиги маданият саройи қайта қад ростлади.

1959 йилда барпо этилган ушбу бино нураб, қаровсиз қолиб кетган эди. «Обод қишлоқ» Давлат дастури доирасида қисқа фурсатда сарой қайта реконструкция қилиниб, унга «Миллатлар дўстлиги маданият саройи» номи берилди.

Бинонинг 1-қаватида 200 ўринлик мухташам фойе, 400 ўринлик тантаналар зали мавжуд. Қайта таъмирлаш даврида хореография ва ракс хона-

си, фитнес заллари ташкил этилди. Замонавий машгулот анжомлари билан таъминланди. Саройда умидли ижодкор ва иқтидорли ёшларни излаб топиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳамда концерт, фестиваль, кўрик-танлов, турли маданий тадбирларни ўтказиш учун барча шароитлар мавжуд. Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб этиш, уларнинг китобхонлик савиясини ошириш, бўш вақтларидан самарали фойдаланишини таъминлаш мақсадида 2000 дан зиёд китобларни ўзида мужассам этган замонавий кутубхона ҳам ишга тушди. «Гулистон» маҳалласи ҳудудидаги ушбу ўзгаришлар, обод кўчалар, атрофдаги манзарали дарахтлар одамларнинг кайфиятига таъсир килди, уларнинг маданий хордиқ олиши учун замин яратди.

«Бу манзил оқилона сиёсат натижасидир»

Тошкент вилояти Қуйи Чирчик тумани Дўстобод шаҳрида фойдаланишга топширилган янги черков православ дини вакиллари учун Наврўз байрамига муносиб тухфа бўлди. Муқаддас Покров аёллар черкови — мамлакатдаги православ дини вакиллари учун макон бўлган 3 ибодатхонадан биридир. Бундан 100 йиллар илгари бунёд этилган мазкур ибодатхона тарихида ёрқин саҳифалар очилди.

— Биз бугун Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевга ўзимизнинг алоҳида миннатдорлигини билдираемиз, — дейди янги черков очилиш маросимида иштирок этган Ўзбекистон ва Ўрта Осиё митрополити Викентий. — Бугун қайта бунёд бўлган бу манзиллар айнан давлат раҳбари томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасидир.

Келгусида бу черковга зиёрат учун келувчилар Ўзбекистонда шундай жойлар борлигидан ҳайратга тушиши тайин. Яна шунинг ҳам айтиши керакки, Ўзбекистон халқи ҳар қанча ифтихор қилса арзийди. Зеро, унинг бошида ҳар бир фуқароси учун қайғурувчи, гамхўрлик қилувчи давлат раҳбари бор.

Очилиш маросимида Москва ва бутун Рус патриархи Кириллнинг миннатдорлик мактуби ўқилди. Капитал таъмирдан сўнг амалга оширилган биринчи ибодат ўз поёнига етди, атроф ўзига хос салобат оғушига чулғанди.

Замонавий, ҳашаматли, янгиланган провослав бутхонаси шу динга эътиқод қилувчилар учун тенги йўқ тортиқ бўлгани фахр ва қувонч, миннатдорлик билан эътироф этилди. Дўстободнинг ўзида истиқомат қилаётган православ динига эътиқод қилувчилар сони 50 нафардан ортиқ, аммо бу манзилга энди Ўзбекистоннинг барча бурчакларидан ташриф буюришади. Дунёнинг етакчи реставраторларидан бири томонидан 8 ой давомида ишланган, ҳақиқий санъат асарига айланган бутхона энди ўз йўналишида бутун православларни бу юртга боғловчи риштага айланди. Унинг бугунги улуғвор киёфаси эса юртимиздаги бағрикенглик ва дўстликнинг ифодасидир.

Бу шунчаки кўнғирок садолари эмас...

Наврўзи олам халқларнинг бирдамлиги рамзидир, деган фикрлар яна бир қарра исботи-

ни топди: Тошкент шаҳридан шимоли шарқда, Чимён тоғлари йўлида жойлашган саноат шаҳри Чирчикка кираверишда виқор билан шаҳар меҳмонларига пешвоз чикувчи авлиё Георгий ибодатхонаси қайта таъмирланиб, бутунлай ўзгача салобатга бурканди. Зарҳал гумбазлари яшнаб турган ибодатхонанинг кўнғироклари бугун ҳар қачонгидан-да жарангдор. Бу шунчаки кўнғирок садолари эмас, балки юртимизда ҳукм сураётган осойишталик, диний бағрикенглик, ҳамжиҳатлик белгиси, таъбир жоиз бўлса, ана шу омиллар сабаб амалга ошаётган эзгу амаллар овозасидир.

— Ҳар иккала черковнинг очилиши, албатта, Ўзбекистондаги рус провославлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга, — дейди Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев. — Шу билан бирга бундай саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон-Россия муносабатларини янада мустаҳкамлайди. Бунда ҳар бир жараён шахсан мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси, раҳнамолигида амалга оширилгани эътиборга сазовор.

Миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик бор жойда, тараққиёт, тинчлик ва файзу барака ҳукм суради. Қолаверса, бири-бирига ҳурмати баланд, ишончи мустаҳкам халқнинг ҳар қандай мушкулликни енгишга кучи етади. Айни пайтда юртимизда кечаётган синовли кунларни ҳам яқдил ва мардона енгиб ўтиб, барчага намуна бўлишга ишончимиз комил.

Ғайратилла ШУКУРОВ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси матбуот қотиби.